

# ИЖТИМОЙ ЖАМҒАРМАЛАРГА МАЖБУРИЙ ТЎЛОВЛАР

## РЕЖА

1. Ягона ижтимоий тўлов ва фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари.
2. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар.

## Солиқ тўловчилар

- юридик шахслар - Ўзбекистон Республикаси резидентлари;
- Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса, чет эллик юридик шахсларнинг ваколатхоналари ва филиаллари орқали амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси норезидентлари.
- Жисмоний шахслар - Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек Ўзбекистон Республикасида доимий равишда яшаб турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадалларини (бундан буён матнда суғурта бадаллари деб юритилади) тўловчилардир.

## Солиқ тўловчилар

- Суғурта бадалларини ҳисоблаш ва ушлаб қолиш мажбурияти, шунингдек уларнинг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши учун жавобгарлик иш берувчи зиммасига юклатилади, бундан СКининг 311-моддасида назарда тутилган тартибга мувофиқ суғурта бадаллари тўловчи якка тартибдаги тадбиркорлар, юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари аъзолари мустасно.

## Солиқ солиш объекти

- Иш ҳақи тарзидаги даромадлар ягона ижтимоий тўловнинг ва суғурта бадалларининг солиқ солиш объектидир.

## Солиқ солинадиган база

- Ягона ижтимоий тўловни ва суғурта бадалларини ҳисоблаб чиқариш учун солиқ солинадиган база СКининг 172-моддасига мувофиқ тўланадиган даромадлар суммаси сифатида белгиланади, СКининг 308-моддасида кўрсатилган тўловлар бундан мустасно.